

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017. Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НУГМАНОВ НУГМАН АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ХАЛҚАРО АХБОРОТ ҲУҚУҚИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ**  
**НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ**

**ЮРИДИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

## **Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

### **Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

#### **Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

##### **Нугманов Нугман Абдуллаевич**

Халқаро ахборот ҳуқуқи шаклланишининг назарий-амалий

хусусиятлари..... 3

##### **Нугманов Нугман Абдуллаевич**

Теоретико-практические особенности формирования международного  
информационного права..... 26

##### **Nugmanov Nugman Abdullaevich**

**Theoretical and practical features of the formation of international  
information**

**law..... 49**

##### **Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 54

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017. Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НУГМАНОВ НУГМАН АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ХАЛҚАРО АХБОРОТ ҲУҚУҚИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ-  
АМАЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ**

**ЮРИДИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Yu23 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uwed.uz](http://www.uwed.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.zionet.uz](http://www.zionet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Хамедов Иса Ахлиманович,</b> юридик фанлар доктори, профессор.
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Пулатов Юрий Сайфиевич,</b> юридик фанлар доктори, профессор <b>Исмаилов Баҳадыр Исламович,</b> юридик фанлар доктори <b>Умарахунов Иркин Мирзахидович,</b> юридик фанлар доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги</b> <b>Академияси</b>

Диссертация ҳимояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tag/Yu/I/S/24.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 54) Тел.: (998971) 267-67-69; факс: (998971) 267-09-00; e-mail: [rektorat@uwed.uz](mailto:rektorat@uwed.uz).

Докторлик диссертацияси билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 54. Тел.: (998971) 267-67-69).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Ф.Фармонов,**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раис ўринбосари, тарих фанлар доктори, профессор

**Ш.О.Шарифходжаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби в.б., иқтисод фанлари доктори

**Б.Б.Самарходжаев,**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.б., юридик фанлар доктори

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ахборот чегаралари йўқолиши асосий аломатларидан бири ҳисобланган замонавий дунё глобаллашуви шароитларида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, айниқса, ахборот ва ахборотлаштириш соҳасида юқори технологиялардан тааллуқли талабларга мувофиқ, самарали фойдаланиш муаммолари тобора катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Ахборот жамиятни ривожлантиришдаги ўз аҳамиятига кўра хом ашё ва энергия билан бир қаторда энг муҳим ресурсларга тенглаштирилади. Ахборот соҳаси жамият ривожининг энг муҳим таркибий қисми сифатида ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай бошқа соҳаси каби ўз ҳуқуқий майдонига бўлиб, унинг доирасида ахборот маконида, шу жумладан глобал ахборот маконида юзага келадиган муносабатлар тартибга солинади. “Илғор технологияларнинг фаол жорий қилинаётгани ва глобал ахборот-коммуникация макони тараққий этаётгани барча жараёнларни жадал ва тез ўзгартирмоқда, китъалар, минтақалар, давлатлар ва бизнес даражасидаги ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантиришга хизмат қилмоқда”<sup>1</sup>. Халқаро ҳуқуқ нафақат юзага келган халқаро муносабатларни қатъий белгилайди, балки уларнинг янада юқори даражали ривожланиш маконини ҳам кенгайтиради. Давлатлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектларининг халқаро ахборот алмашинуви, уни тарқатиш ва ҳимоялаш бўйича фаолиятини халқаро-ҳуқуқий белгилаш бўйича халқаро ҳуқуқнинг янги соҳаси – халқаро ахборот ҳуқуқини шакллантириш амалга оширилмоқда.

Таъқидлаш лозимки, жаҳонда глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда замонавий халқаро ҳуқуқ доктринаси, ахборот соҳасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг устуворлиги асосида халқаро ахборот ҳуқуқини шаклланишининг илмий-назарий жиҳатларини, бу борадаги халқаро нормалар ва тамойилларини комплекс тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада халқаро ахборот алмашинуви эркинлигини таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий тамойили, халқаро алмашинуви бўйича халқаро муносабатларни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш, ундан фойдаланишни ва унинг хавфсизлигини таъминлашга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш юзасидан илмий тадқиқотларни мақсадли олиб бориш зарурияти сезилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ахборот ҳуқуқларини ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида халқаро ахборот ҳуқуқи шаклланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 октябрдаги МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи. <http://press-service.uz/tu/lists/view/1132>

ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этиш”, “судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш”, “электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш” ва “ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш” зарурати алоҳида қайд этилган<sup>2</sup>.

1948 й. Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, 1966 й. Фуқаролик ва Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, БМТ “Ахборот ва телекоммуникациялар соҳасида халқаро хавфсизлик” резолюциялари, 2000 й. Окинава глобал ахборот жамиятининг хартияси, 2009 й. ШХТ “Халқаро ахборот хавфсизлиги соҳасида ҳамкорлик” шартномаси, 1995 й. МДҲ давлатлари ўртасида имзоланган “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар тўғрисидаги” конвенцияси ва бошқа ахборот соҳасида халқаро ҳамкорлик масалаларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган икки ва кўп томонлама халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” (2002), “Ахборотлаштириш тўғрисида” (2003), “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида” (2014), “Электрон ҳуқуқ тўғрисида”ги қонун (2015), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3678-сонли Фармони, “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси” (2012), 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тақиқоти хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи**<sup>3</sup>. Халқаро ахборот алмашинуви бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштиришнинг муайян жиҳатлари бўйича илмий

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-бет, 20-сон, 354-бет, 23-сон, 448-бет, 29-сон, 683-бет, 685-бет/.

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.heuni.fi](http://www.heuni.fi), [www.tilburguniversity.edu](http://www.tilburguniversity.edu), [www.uu.nl](http://www.uu.nl), [www.mpicc.de](http://www.mpicc.de), [www.law.ox.ac.uk](http://www.law.ox.ac.uk), [sydney.edu.au](http://sydney.edu.au), [www.isisc.org](http://www.isisc.org), [www.mdx.ac.uk](http://www.mdx.ac.uk), [law.depaul.edu](http://law.depaul.edu), [iso.bnu.edu.cn](http://iso.bnu.edu.cn), [www.ubc.ca](http://www.ubc.ca), [www.unn.ru](http://www.unn.ru), [www.usla.ru](http://www.usla.ru), [www.mgimo.ru](http://www.mgimo.ru), [msal.ru](http://msal.ru), [www.agprf.org](http://www.agprf.org), [www.dipacademy.ru](http://www.dipacademy.ru), [vipe.fsin.su](http://vipe.fsin.su), [www.uwed.uz](http://www.uwed.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

тадқиқотлар етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, John Marshall Law School of Chicago University (АҚШ), Oxford University Faculty of Law (Буюк Британия), Cambridge University Faculty of Law (Буюк Британия), Yell University College of Law (АҚШ), Shanghai University of Political Science and Law (Хитой), DePaul University College of Law (АҚШ), Oxford University (Буюк Британия), University of Sydney (Австралия), Beijing Normal University (Хитой), The University of British Columbia (Канада), Москва давлат халқаро муносабатлар институти (Россия), Россия Федерацияси ТИВнинг дипломатик академияси (Россия), Белоруссия давлат университети (Белоруссия), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Халқаро ахборот алмашинуви бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш соҳасидаги илмий тадқиқотларда қуйидаги илмий натижалар олинган: халқаро ахборот ҳуқуқининг предмети, объекти, манбалари, субъектлари ва тузилиши каби асосий таркибий қисмлари шакллантирилган (Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Oxford University Faculty of Law); инсон ахборот ҳуқуқларини таъминлаш (Белоруссия давлат университети, European Law at the University of Tilburg, Middlesex University School of Law); халқаро ахборот ҳуқуқини ривожлантириш бўйича халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик масалаларини такомиллаштириш (Cambridge University Faculty of Law, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети).

Бугунги кунда дунёда халқаро ахборот ҳуқуқи шаклланишининг назарий ва амалий хусусиятлари бўйича амалга оширилган тадқиқот юзасидан қатор устувор қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Улар жумлада: ўзаро ҳамкорликнинг инсон ахборот ҳуқуқларини ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида устувор шакллари асослаш; халқаро ва миллий ахборот ҳуқуқи асосларини эътиборга олган ҳолда ривожлантириш; шахс, жамият ва давлат ахборот хавфсизлигининг уйғунлигини таъминлаш; инсон ахборот ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлаш; интернет-маконда шахс хавфсизлигини таъминлаш; ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқининг мустақамлигини таъминлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Халқаро ахборот ҳуқуқини шакллантириш, унинг тизими, субъект-манба негизи масалалари халқаро ҳуқуқ тадқиқотларида концептуал янги йўналиш ҳисобланади. Шу туфайли ҳам мавжуд нашрлар нотўлиқлик, тор йўналтирилганлик ва тизимлилик етишмаслиги билан ажралиб туради.

Халқаро ахборот жараёнларининг хорижий тадқиқотлари, биринчи навбатда, хусусий-ҳуқуқий йўналтирилганлик, айнан эса – электрон тижорат, электрон имзо, электрон ҳуқумат, электрон ҳужжат айланиши турли жиҳатлари ва бир қатор бошқа жиҳатларни тадқиқ қилиш билан тавсифланади. Шу маънода ахборот олиш ва тарқатишнинг хусусий-ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқотларининг доктринал асосларини белгилаб берган бир

катор концептуал ишларни қайд этиш мумкин<sup>4</sup>. Хорижий тадқиқотларнинг алоҳида йўналиши ахборот хавфсизлиги соҳасига тегишлидир<sup>5</sup>. Барча ўрганилган ишлар орасида ахборотнинг халқаро муносабатлардаги ролини ва унинг халқаро-ҳуқуқий регламентини белгиловчи ишлар энг кўп қизиқиш уйғотади<sup>6</sup>.

МДХ мамлакатлари олимларининг тадқиқотлари кўп жиҳатдан россиялик, украиналик ва белоруслик ҳуқуқшунос-олимлар ва халқаро аҳвол бўйича мутахассис-юристлар ишлари билан тақдим қилинган бўлиб, улар ахборотдан фойдаланишнинг халқаро ва миллий-ҳуқуқий регламенти турли жиҳатларини камраб олади<sup>7</sup>.

Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг турли жиҳатлари, шу жумладан халқаро ахборот алмашинувининг халқаро-ҳуқуқий таъминланиши атоқли олимлар Х.Т. Одилқориев (2003), И.И.Бобоқулов (2014), Б.И.Исмоилов (2016), К.К. Рашидов (2005), М.Х.Раҳмонкулов (2017), А.Р. Раҳмонов (2005), А.Х. Саидова (2011), Б.Н.Тошев (2008) ва И.М. Умарахунов (2004) ишларида таҳлил қилинган ва ўрганилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ “Халқаро шартномаларни талқин

---

<sup>4</sup> See: Draft Uniform Rules on Electronic Signatures // United Nations Commission on International Trade Law. Working Group on Electronic Commerce. Thirty-sixth session. New York, 14-25 February 2000; Electronic Commerce in Europe: the present situation, by R. Verrue, Director-General of the Information Society DG, Brussels, 1999; Bygrave L. Determining Applicable Law pursuant to European Data Protection Legislation // Computer Law & Security Report, 2000, Vol. 16; Sandhusen Richard Marketing. Hauppauge, N.Y: Barron's Educational Series, 2008.

<sup>5</sup> See: Robert W. Three Scientists and Their Gods: Looking for Meaning in an Age of Information. – New York: Harper and Row, 1989; Arquilla, John and David Ronfeldt. The Emergence of Noopolitik: Toward an American Information Strategy. – Santa Monica, Calif.: RAND, 1999; Hudley R., Anderson R. Security in Cyberspace: An Emerging Challenge for Society. – London, 2014; Kramer, Franklin D., Stuart H. Starr, and Larry Wentz, eds. Cyberpower and National Security. Washington, DC: Potomac, 2009; Singer, Peter W., and Allan Friedman. Cybersecurity and Cyberwar: What Everyone Needs to Know. What Everyone Needs to Know. Oxford: Oxford University Press, 2014.

<sup>6</sup> See: Clark, David, Thomas Berson, and Herbert Lin, eds. At the Nexus of Cybersecurity and Public Policy: Some Basic Concepts and Issues. Washington, DC: National Academic Press, 2014; Goldman, Emily O., and John Arquilla, eds. Cyber Analogies. Monterey, CA: Naval Postgraduate School, 2014; Healey, Jason, ed. A Fierce Domain: Conflict in Cyberspace, 1986 to 2012. Vienna: Cyber Conflict Studies Association, 2013; Segal, Adam. The Hacked World Order: How Nations Fight, Trade, Maneuver, and Manipulate in the Digital Age. New York: PublicAffairs, 2016; Tikk-Ringas, Eneken, ed. Evolution of the Cyber Domain: The Implications for National and Global Security. London: Routledge, 2015.

<sup>7</sup> Қаранг: Ильин М.В., Шиковец М.А. Методология государственного управления в сфере обеспечения информационной безопасности // Проблемы управления. – Минск, 2004. – № 1(10); Крутских А. К политико-правовым основаниям глобальной информационной безопасности // Международные процессы. Журнал теории международных отношений и мировой политики. – М., 2008; Михайленко Е.В. Проблемы информационно-правового регулирования отношений в глобальной компьютерной сети Интернет: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: МГУ, 2004; Огородов Д.В. Правовые отношения в информационной сфере: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., ИГПРАН, 2002; Савельев Д.А. Права человека в области информации (международно-правовые аспекты): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – СПб.: Санкт-Петербургский государственный морской технический университет, 2002; Кудряшов С.М. Действие общих принципов международного права в информационной сфере // Право и политика. – М., 2001, – № 6; Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б. Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны: Монография. 3-е изд. – М.: Горячая линия – Телеком, 2017; Балуев Д.Г. Информационная революция и современные международные отношения. – Нижний Новгород: ННГУ, 2015.

қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** халқаро ахборот ҳуқуқининг назарий методологик асосларини такомиллаштириш ҳамда давлат ахборот хавфсизлиги халқаро ва миллий-ҳуқуқий таъминлашнинг янада самарали чора ва воситаларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

халқаро ахборот ҳуқуқи мазмунини белгилашга мавжуд ёндашувларни танқидий таҳлил қилиш;

халқаро ахборот ҳуқуқининг замонавий тизимини аниқлаш ва асосий институтлар ажратиб кўрсатилган ҳолда унинг тузилишини таклиф этиш;

халқаро ахборот ҳуқуқининг манба негизини тадқиқ қилиш;

давлатлар ахборот хавфсизлиги халқаро-ҳуқуқий таъминланишининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиш;

давлат ва жамият ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг хорижий тажрибасини таҳлил қилиш;

Марказий Осиё давлатлари ахборот хавфсизлиги халқаро-ҳуқуқий таъминланишининг асосий муаммоларини аниқлаш;

давлатлар ахборот хавфсизлигига кибер- ва инфотерроризм таъсирини аниқлаш;

виртуал ахборот маконини регламентлаш халқаро-ҳуқуқий амалиётини танқидий баҳолаш;

инсон ахборот ҳуқуқларнинг халқаро шартномавий ва миллий-ҳуқуқий механизмларини тадқиқ қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ахборот қонун ҳужжатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

ахборотни ҳимоялаш мазмуни ва амалиётини уч ўлчовда – халқаро, хорижий ва Ўзбекистон Республикаси миқёсида тавсифлаш;

халқаро ахборот алмашинувини, инсон ахборот ҳуқуқларни ва ахборотни ҳимоялашни янада тўлиқ ва самарали таъминлаш бўйича амалий тавсиялар ва таклифлар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** халқаро ахборот алмашинуви бўйича муносабатлар, айнан эса – халқаро ҳуқуқнинг янги тармоғи сифатида халқаро ахборот ҳуқуқидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети**ни хорижий давлатлар ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро ахборот алмашинуви эркинлигини, ахборот учун ҳуқуқларни, унинг хавфсизлигини ва ҳимояланишини таъминлаш бўйича халқаро шартнома базаси, Ўзбекистон Республикаси халқаро ахборот ҳуқуқи доктринаси, Ўзбекистон Республикасининг ахборот учун ҳуқуқларни, ахборот эркинлигини ва ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро ва миллий-ҳуқуқий асослари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида мантиқий, қиёсий-ҳуқуқий, қиёсий-типологик, қиёсий-функционал, тизимли, тизимли-таркибий, тарихий-ҳуқуқий таҳлил қилиш усули ва синтези каби умумий илмий ва махсус тадқиқот ва билиш усулларидан фойдаланилди.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

амалдаги халқаро шартномаларни доирасида ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларга тегишли жиноий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

давлат ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш усуллари, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимият ва бошқарув органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш доирасида давлат ҳокимият ва бошқарув органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш учун расмий талабларни кўриб чиқишнинг тартиби шакллантирилган;

электрон ҳукумат ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари каби ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида электрон давлат хизматларига талаблари ишлаб чиқилган;

инсон ахборот ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида Омбудсман фаолиятининг ошқоралиги бўйича қонун ҳужжатларига келиб тушаётган муурожаатларни қабул қилиш, умумлаштириш, тизимлаштириш ва кўриб чиқиши устидан назорат қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий қилиш бўйича ўзгартишлар ва қўшимчалар ишлаб чиқилган;

фуқаролар муурожаатлари билан ишлашда идентификациялаш ягона ахборот тизимини жорий қилиш тўғрисида таклиф асосланган;

“халқаро ахборот ҳуқуқи” ва “кибертерроризм” тушунчаларининг такомиллаштирилган тавсифи ишлаб чиқилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижаси:**

халқаро ахборот ҳуқуқини шакллантиришнинг концептуал масалалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси халқаро ахборот алмашинуви ва ахборот хавфсизлигини халқаро-ҳуқуқий таъминлаш билан боғлиқ кўплаб амалий муаммолар ўз илмий-назарий ечимини топиш доирасида Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ фанида биринчи марта илмий-назарий ва амалий даражада халқаро ахборот ҳуқуқи пайдо бўлиши асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси ахборот ҳамкорлик тўғрисида давлатлараро битим матни ишлаб чиқилган;

ахборот соҳасидаги халқаро шартномаларни Ўзбекистон Республикаси миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилишга йўналтирилган бир қатор амалий таклифларни жорий қилиш мақсадида амалдаги миллий ахборот қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотнинг ҳар бир боби охирида ифодаланган умумназарий хулосалар ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан миллий қонунчиликдаги ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар дастлабки умумназарий ва методологик қоидалар, нуқтаи назарлар ва ёндашувларни таҳлил қилиш асосида илгари сурилган. Улар халқаро ҳуқуқ, шу жумладан халқаро ахборот ҳуқуқи фанида мавжуд. Тадқиқотда фойдаланилган ахборот базасининг тўғри ва ишончлилиги унда фақатгина

расмий нашрларда чоп этилган статистик маълумотлар ва синовдан ўтган ҳамда чоп этилган монографик тадқиқот натижаларининг қўлланилганлиги билан белгиланади. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи Республика ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти унда Ўзбекистон Республикаси халқаро ахборот ҳуқуқини ва халқаро ахборот ҳуқуқи доктринасини шакллантириш муаммолари ва истиқболларининг мажмуи таҳлили ўрин олганлигидан иборат. Диссертация тадқиқотининг халқаро ахборот ҳуқуқи янги истиқболли тармоғи – халқаро ҳуқуқ фанининг мустақил йўналиши сифатида халқаро ахборот ҳуқуқи моҳияти ва аҳамиятини очиқ берадиган материалларидан Республика ва хорижий олий ўқув юртларида ҳамда илмий марказлардаги ўқув жараёнида Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ, халқаро ахборот ҳуқуқи ва ахборот ҳуқуқи бўйича маълумотлар ўқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти.** Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг аҳамияти ахборот алмашинуви бўйича халқаро ҳамкорлик самарадорлигини оширишда, қонунчиликда, юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланилишда ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Халқаро ахборот ҳуқуқи шаклланишининг назарий-амалий хусусиятлари тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

амалдаги халқаро шартномаларни таҳлил қилиш доирасида ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларга тегишли жиноий қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎЗРҚ-405-сон Қонуни 3-моддаси 9-банди тўлдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, 2016 йил 21 декабрь, 02/1-1708-сон). Мазкур меъёрга оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация ва бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғи ижтимоий хавфсизликка ва жамоат тартибига таҳдидни ўз ичига олган материалларни тарқатиш ёки намойиш этиш усуллари сифатида киритилган;

давлат ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш бўйича шакллантирилган усуллар, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимият ва бошқарув органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш доирасида давлат ҳокимият ва бошқарув органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш учун расмий талабларни кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, 2017 йил 26 декабрдаги ахборот соҳаси қонун ҳужжатлари тизимига таклифлар ва

тавсиялар киритиш тўғрисида маълумотнома). Ушбу меъёрлар жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимият ва бошқарув органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш имкониятини ҳамда давлат ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қабул қилинадиган қарорлар учун жавобгарлиги оширилишини таъминлайди;

электрон ҳукуматнинг шакллантирилган асосий тамойиллари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида электрон давлат хизматларига талаблар Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, 2017 йил 26 декабрдаги ахборот соҳаси қонун ҳужжатлари тизимига таклифлар ва тавсиялар киритиш тўғрисида маълумотнома). Ушбу меъёрлар ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланиши ҳисобига фуқаролар томонидан давлат хизматларидан фойдаланиш ва давлат хизматлари фаолият натижалари тўғрисида ахборот олинишида сифат жиҳатдан янги оперативлик ва қулайликни таъминлайди;

инсон ахборот ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида Омбудсман фаолиятининг ошқоралигига тегишли таклифлардан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Давлат дастурига мувофиқ “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича ваколатли вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎЗРҚ-441-сон Қонунини қабул қилиш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталар кенгашининг 2017 йилдаги 1398-III/ПК-282-III-сон қўшма қарори билан тасдиқланган Инсон конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш бўйича комиссия низоми, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Омбудсман вакили тўғрисидаги низомда ҳамда Омбудсманнинг тааллуқли веб-ресурсида Виртуал қабулхона ва “тез-тез бериладиган саволлар” саҳифасини яратиш, келиб тушаётган мурожаатларни қабул қилиш, умумлаштириш, тизимлаштириш ва кўриб чиқиши устидан назорат қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий қилишда (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича ваколатли вакили (омбудсман), 2018 йил 25 май, 01-07/138-сон) фойдаланилган. Бу манфаатдор шахсларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ваколатли вакил фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш имкониятини ва Омбудсман фаолиятида ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланишини таъминлайди;

фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда идентификациялаш технологиялари ва мобиль идентификациялаш ягона ахборот тизимини жорий қилиш тўғрисидаги таклифдан 2018-2021 йилларда Электрон ҳукуматни ривожлантириш стратегиялари (Э-ҳукумат стратегияси)

лойихасини ва Э-ҳукумат стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази, 2018 йил 29 май, 01-15/894-сон). Бу Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва “Электрон ҳукумат” тизимидан фойдаланувчиларни идентификациялаш ягона ахборот тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 365-сон Қарорига мувофиқ марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва жорий қилишга кўмаклашади ҳамда ахборотни ошкор қилишнинг янги стандартлари қўлланиши ҳисобга олинган ҳолда давлат ҳокимият ва бошқарув органлари фаолияти ошқоралиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилишини ва давлат органлари фаолиятида “умумий очиқлик” тамойилининг жорий қилинишини таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11та республика ва 4та халқаро илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 39та илмий иш, жумладан, 2та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13та илмий мақола, хорижий журналларда 2та, республика илмий анжуманларида 11та, халқаро илмий анжуманларда 4та илмий тезислар нашр қилинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 245 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган ҳамда тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, шунингдек диссертациянинг ҳажми ва тузилиши берилган.

Диссертациянинг **“Халқаро ахборот ҳуқуқи замонавий халқаро ҳуқуқ тармоғи сифатида”** деб номланган биринчи бобида халқаро ахборот ҳуқуқи фан сифатида шаклланишининг методологик ва назарий жиҳатлари, халқаро ахборот ҳуқуқининг замонавий халқаро ҳуқуқ тармоғи, замонавий халқаро ахборот ҳуқуқининг манба негизи сифатида усуллари ва тамойиллари батафсил таҳлил қилинган, назарий хулосалар ишлаб чиқилган.

Диссертацияда “халқаро ахборот ҳуқуқи” тушунчаси уч нуктаи назардан: 1) халқаро-ҳуқуқий муносабатларнинг муайян гуруҳини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ тармоғи; 2) диққат-эътиборни халқаро ахборот ҳуқуқини ўрганишга жамловчи халқаро ҳуқуқ соҳаси; 3) халқаро ахборот ҳуқуқи ўқитилиши билан боғлиқ ўқув фани сифатида ёритилган.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий қилиниши ва улардан жадал фойдаланиш, янада такомиллашган ахборот бошқаруви тизимларини амалга ошириш, ахборот маҳсулоти яратилишини такомиллаштириш ва ахборот хизматлари соҳасини ривожлантириш, шунингдек ахборотлаштиришнинг бошқа таркибий жараёнлари ахборот соҳасида халқаро-ҳуқуқий базани шакллантиради. Халқаро ахборот ҳуқуқи тушунчаси иш муаллифи томонидан қуйидаги тарзда ифодаланади: халқаро ахборот ҳуқуқи халқаро-ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган, ахборот соҳасида амалга ошириладиган халқаро ҳуқуқ меъёрлари тизими сифатида ахборот воситаларидан фойдаланиш жараёнида халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи, объект – ахборот алмашиш, тарқатиш ва ҳимоялаш соҳасидаги халқаро муносабатлар, предмет – глобал ахборот макони, халқаро ахборот алмашинувининг тармоқ тамойиллари, кўп сонли тармоқ институтлари ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тавсифланадиган халқаро-ҳуқуқий тамойиллар ва меъёрлар мажмуини ўз ичига олади. Халқаро ахборот ҳуқуқида ҳуқуқий тартибга солиш усули дейилганда, халқаро ахборот ҳуқуқининг халқаро ахборот муносабатларига таъсир кўрсатиш усуллари тушунилади.

Ахборотнинг ўзига хос ва юридик хусусиятларига асосланиб, диссертант ахборот соҳасида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг

асосий тамойилларини шакллантиради. Бу: ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш тамойили; ахборотнинг айланиш имконияти тамойили; ахборот объекти тамойили (ахборот хабарлари); ахборотнинг тарқалувчанлик тамойили; ахборотнинг ташкилий шакли тамойили.

Диссертациянинг **“Давлатлар ахборот хавфсизлиги ва унинг халқаро-ҳуқуқий таъминланиши”** деб номланган иккинчи бобида ахборот хавфсизлигини таъминлашга, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий ва институционал тажрибасига концептуал халқаро-ҳуқуқий ёндашувлар (Россия Федерацияси мисолида), Марказий Осиё давлатлари ахборот хавфсизлигининг меъёрий-ҳуқуқий базаси ва ҳозирги ҳолати ҳар томонлама ўрганилган, мазкур боб мазмунига мувофиқ назарий хулосалар ишлаб чиқилган.

Ахборот хавфсизлиги, диссертант таърифига кўра, бу – жамиятнинг ўзига хос ҳолати бўлиб, бунда шахс, жамият, давлат ва халқаро ҳамжамиятнинг реал ва виртуал ахборот маконида уларга тартибли ёки тартибсиз пайдо бўладиган ички ва ташқи ахборот-коммуникация оқимлари шаклида намоён бўладиган ўзига хос таҳдидлар таъсиридан умумий ҳимояси таъминланган. Тадқиқот муаллифи ахборот хавфсизлигининг таркибий қисмларига қуйидагиларни киритади: 1) инсонпарварлик мақсадларида ахборотни ташкил этиш, ўзгартириш ва фойдаланиш учун ахборот макони хавфсизлиги; 2) фойдаланилаётган тизимга ахборотнинг танқидий таъсири истисно этилиши таъминланишини талаб қилувчи ахборот инфратузилмаси хавфсизлиги; 3) ахборот хавфсизлиги, айнан эса бевосита ахборотдан фойдаланиш, унинг яхлитлиги ва махфийлигини таъминлаш.

Ахборотнинг самарали ҳимояланганлигини тақдим қилган ҳолда, давлатлар ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартлари ва омилларидан бири сифатида диссертант мамлакатларнинг халқаро ахборот соҳасидаги фаолиятини кодификациялаш масалалари бўйича манфаатлари бир-бирига тўғри келмаслиги сабабли халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқиш мураккаб ва секин силжиб бораётганлигини қайд этади. Давлатлар ахборот хавфсизлигини таъминлаш меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида ахборот ҳуқуқи ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қонунчилик фаолияти стратегияларини тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек ахборот, ахборот ресурслари ва ахборот инфратузилмасини ҳимоялаш миллий тизимини такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш таъкидланади. Бундай тизимнинг шакллантирилиши давлатнинг халқаро ахборот ҳамжамиятига тўлақонли аъзо бўлишини ва давлат ахборот ресурслари ҳимоясини кафолатлайди.

Россия ва Марказий Осиё республикаларининг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик асосларининг таҳлили шуни тасдиқладики, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқий тоифаси кўриб чиқилаётган ҳолатни давлатнинг муҳим функцияларидан бири сифатида ўрганиш жараёнининг муҳим ўзига хос жиҳатларини акс эттиради; Қозоғистон Республикасининг

меъерий-ҳуқуқий базаси Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари орасида энг ривожланган меъерий-ҳуқуқий базалардан бири ҳисобланади; Қирғизистон меъерий-ҳуқуқий базаси ушбу соҳада ҳали тикланиш босқичида турибди; Тожикистон Республикасида сўнгги йилларда ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш базасини шакллантириш бошланган ва такомиллаштириш давом этмоқда. Муаллифнинг фикрича, ахборот соҳасида жараёнларни тартибга солишнинг энг такомиллашмаган меъерий-ҳуқуқий базаси Туркманистонда кузатилади.

Марказий Осиё республикаларида Интернет тармоғи фаолиятини қонун ҳужжатлари билан тартибга солиш зарурати тўғрисидаги мавзу фаол муҳокама қилинаётганлиги эътиборга лойиқ. Бу ушбу мамлакатларда бутун дунёдаги каби Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони йил сайин ўсиб бораётганлиги билан боғлиқ.

Диссертациянинг **“Кибермаконни регламентлаш ва кибертахдидларга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий масалалари”** деб номланган учинчи бобида миллий ва халқаро ахборот ҳуқуқи доирасида Интернет тармоғини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, халқаро ахборот ҳуқуқи доирасида кибертахдидни дифференциациялаш муаммолари ҳар томонлама ўрганилган, Европа давлатларининг кибермаконда ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Интернет тармоғи миллий UZ сегментидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муаммолар таҳлил қилинган ва 2017 йил январь-декабрь даври учун назарий хулосалар тақдим қилинган.

Интернет айнан халқаро фаолиятга кўп сонли муаммоларни киритган. Уларнинг халқаро ҳуқуқ доирасида ҳал қилиниши халқаро ахборот ҳуқуқи механизмларидан фойдаланиб, ривожлантиришнинг энг муҳим векторига айланиши керак. Бу тегишли меъерий база ташкил қилинишининг алоҳида муҳимлигини кўрсатади, унинг ўзига хос жиҳати Интернетнинг меъерий фаолиятида миллий ҳуқуқий талаблар ва миллатлараро манфаатни оқилона мувофиқлаштиришдан иборат бўлади. Халқаро ахборот ҳуқуқини меъерий-шартнома билан мустаҳкамлашга ва давлатлар миллий-ҳуқуқий тизимлари доирасида тўлақонли ахборот қонун ҳужжатларини шакллантиришга зарурат ўткир сезилади. Ушбу жараёнлар биргаликда кечиши ва бир-бирини тўлдириши керак. Шу билан бирга давлатлар ахборот қонун ҳужжатлари ва халқаро ахборот ҳуқуқининг меъерий-шартнома асослари ҳуқуқий аломатлар, биринчи навбатда, субъект бўйича жиддий фарқларга эга бўлиши керак, чунки тартибга солиш объекти ва предмети Интернетнинг ноёб тавсифларидан келиб чиқиб ягона ҳисобланади.

“Кибержиноятчилик” ва “кибертерроризм” ҳолатлари турли таърифларини таҳлил қилиб, диссертант ушбу тушунчаларга ўз муаллифлик тавсифини беради. Кибертерроризм одамлар ўлими хавфини туғдирадиган, катта мулкий зарар етказадиган ёхуд бошқа ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келадиган компьютерларга, компьютер дастурларига, компьютер тармоқларига ёки улар томонидан ишланадиган ахборотга қасддан ҳужум сифатида ёки Интернет тармоғи фойдаланиш орқали халқаро

муносабатларни мураккаблаштириш, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни бузиш, давлат хавфсизлигига путур етказиш, уруш ёки қуролли тўқнашувларни пайдо қилиш, ижтимоий-сиёсий вазиятни бузиш, халқаро ташкилот ҳокимият органлари, уларнинг мансабдор шахслари, жисмоний ёки юридик шахс томонидан қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсатиш учун аҳолини кўрқитиш мақсадларида амалга оширилади. Кибержиноятчилик ва кибертерроризм олдини олиш учун мажмуий ёндашув керак.

Интернет ёки бошқа ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланадиган жиноятчиларни излаш, уларни ушлаш ёки топширишга тегишли ҳуқуқни қўллаш тартиботлари масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик соҳасида ҳам муаммо мавжуд. Шубҳасиз, халқаро-ҳуқуқий меъёрларнинг ривожланиш суръати ўта жадал ривожланаётган ахборот технологиялари ривожланишига мувофиқ бўлиши керак. Шу маънода ахборот ва коммуникация технологияларидан эҳтимолий жинойий мақсадларда фойдаланиш олдини олиш ва тўхтатиш бўйича самарали тизим реализация қилинишини таъминладиган миллий қонун ҳужжатларини бир хиллаштириш ва халқаро-ҳуқуқий базани кенгайтириш масаласи долзарб бўлмоқда.

Диссертациянинг **“Инсон ахборот ҳуқуқини реализация қилиш ва химоялашга халқаро ва миллий-ҳуқуқий ёндашувлар”** деб номланган тўртинчи бобида инсон ахборот ҳуқуқини реализация қилишга замонавий халқаро-ҳуқуқий ёндашувлар, инсон ахборот ҳуқуқини ва уларнинг эҳтимолий ҳуқуқий чекланишлари чегараларини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасида ахборот ҳуқуқининг конституциявий тамойилини амалга ошириш таҳлил қилинган ва ёритилган, назарий ҳулосалар ишлаб чиқилган.

Инсон ахборот ҳуқуқлари шаклланиши – инсон халқаро ҳуқуқи ва халқаро ахборот ҳуқуқининг мантиқий ривожланиши натижаси, демократизм хусусияти ва давлатларнинг глобал ахборот маконига кенг дахлдорлигидан иборат. Бундай ҳуқуқ инсоннинг ахборотдан белгиланган халқаро ва миллий ҳуқуқ доирасида эркин фойдаланиш, уни тарқатиш ва алмаштириш имкониятини кафолатлаши керак. Инсон ахборот ҳуқуқларига, диссертант фикрича, объекти барча кўринишлардаги ахборотдан иборат бўлган ҳуқуқлар ва эркинликлар киритилиши керак. Ушбу барча ҳуқуқлар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бу улардан иборат тизим мавжудлигини таъкидлаш имконини беради. Тааллуқли равишда, ушбу ҳуқуқларни эълон қилувчи ёки мустаҳкамловчи, шунингдек шахснинг алоҳида қонуний ҳуқуқларини аниқлаштирувчи халқаро-ҳуқуқий меъёрлар, ушбу ҳуқуқларнинг чекланиши, уларни амалга ошириш бўйича давлат мажбуриятлари ўзаро боғлиқ тизим сифатида кўриб чиқилиши керак.

Хусусан, инсон ахборот ҳуқуқига халқаро-ҳуқуқий ёндашувлар учун қўйидаги концептуал қоидаларга асосланиш мақсадга мувофиқдир: инсон ахборот ҳуқуқи глобал ахборот маконининг ажралмас сегменти ҳисобланади; инсон ахборот ҳуқуқининг давлат томонидан тартибга солиниши ва чекланиши умумий эътироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойилларига зид келмаслиги керак; давлат томонидан ахборот фаолиятини ҳуқуқий тартибга

солиш асосида ахборот маконининг бирлиги ва бўлинмаслик тамойили туриши керак ва ҳ.к.

Инсон ахборот ҳуқуқини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш – халқаро ҳуқуқ ва халқаро ахборот ҳуқуқини тартибга солишнинг муҳим аҳамиятли ва жадал такомиллашиб бораётган таркибий қисми ҳисобланади. Келгусида ахборот ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича миллий-ҳуқуқий муносабатлар халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг муайян бавосита объекти сифатида бевосита ва сезиларли “ташқи” таъсир остида тобора ривожланиб боради.

Бироқ инсон ахборот ҳуқуқи ва эркинлиги ҳеч қаерда ва ҳеч қачон мутлақ хусусиятга эга бўлмаган. Шу маънода Ўзбекистоннинг ахборот ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги ҳуқуқий макони истисно эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ахборот ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш соҳасида айрим чекланишларга эга. Хусусан, 29-модда меъёри “амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сирини ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин” кўшимча шартига эга. Шубҳасиз, ахборот билан ишлашга бундай чекланишлар халқаро меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги чекланишларга мувофиқдир.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон ахборот қонун ҳужжатларини ва халқаро ахборот ҳуқуқини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари”** деб номланган сўнгги бешинчи бобида Ўзбекистон Республикаси ахборот қонун ҳужжатларининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиши, халқаро ва миллий-ҳуқуқий тартибга солиш, ахборот тизимларини ҳимоялаш муаммолари, халқаро ахборот ҳуқуқини ривожлантириш истиқболлари тадқиқ қилинган ва улар борасида назарий ҳулосалар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳасидаги мавжуд қонун ҳужжатлари ахборот мажмуи фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилайди, давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, юридик ва жисмоний шахслар – ахборот эгалари ва фойдаланувчиларнинг ўзаро муносабатларини қатъий белгилайди, телекоммуникация ташкил топиши, фаолият юритиши ва ривожланиши ва ҳ.к. соҳасида ижтимоий муносабатларни тартибга солиди. Шу билан бирга, диссертант халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш асосида шунини қайд этадики, ахборот тизимларини муҳофазалаш соҳасида ҳуқуқий муносабатлар тушунча аппаратида ахборот тизимларини ҳуқуқий муҳофазалаш таърифи йўқлиги туфайли аниқ меъерий-ҳуқуқий бошқарувга эга эмас. Диссертация тадқиқоти жараёнида аниқланган қонун ҳужжатлари ва халқаро ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга ахборот муҳофазасини ахборот жараёнлари тоифасига кўшиш юзасидан ўзгартишлар киритиш орқали бартараф этилишни талаб қилади.

Бундан ташқари, диссертант фикрича, ахборот тизимларини ҳуқуқий муҳофазалаш масаласини “ахборот тизими” тушунчаси таркибида акс эттириш керак, бу ахборот тизими таркибини ахборот ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида янада аниқ белгилаш имконини беради.

Ҳаётнинг барча соҳаларида ахборот технологиялари қўлланиши шахс, жамият ва давлат ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласини муҳимлаштиради. Шу туфайли фуқаролик, жиноий ва ҳакамлик суд жараёнларида далил-исбот сифатида электрон ҳужжат учун ҳуқуқий шартларни яратиш муаммоси долзарб бўлмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг БМТ 2005 йил 23 ноябрдаги халқаро шартномаларда электрон хабарлардан фойдаланиш тўғрисидаги Конвенциясига қўшилиши муҳим бўлиб, бу савдода электрон хабарлардан фойдаланишнинг маҳаллий ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга кўмаклашади ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ халқаро-ҳуқуқий меъёрлар қоидалари ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон электрон савдо бозорининг жаҳон электрон бозори қисмига айланиш имконини беради.

Халқаро ахборот ҳуқуқининг ривожланиши кўп жиҳатдан унинг манбалари тизимида халқаро шартномалар эгаллаб турган ўринга боғлиқ. Ахборот соҳасида давлатлараро муносабатлар халқаро ташкилотлар резолюциялари ва декларациялари меъёрлари таъсири остида бўлади ва диспозитив меъёрлар ҳисобланади, яъни халқаро ҳуқуқ, шу жумладан халқаро ахборот ҳуқуқи манбаларига бевосита алоқаси бўлмайди. Давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий меъёрлар ва халқаро ҳуқуқ тамойиллари даражасида асосий халқаро ахборот стандартларини қабул қилиш бўйича ҳаракатларини фаоллаштириш керак.

## ХУЛОСА

Мазкур илмий изланиш доирасида амалга оширилган ахборот алмашинув соҳасида халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш масалаларини мажмуий тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш натижасида умумлаштирувчи хулосалар чиқарилди, улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Халқаро ахборот ҳуқуқи халқаро оммавий ҳуқуқ тармоғи сифатида ахборот воситаларидан фойдаланиш жараёнида халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи, объекти – ахборот алмашиш, тарқатиш ва ҳимоялаш соҳасидаги халқаро муносабатлар, предмети эса – глобал ахборот макони, халқаро ахборот алмашинувининг тармоқ тамойиллари ва кўп сонли тармоқ институтлари ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тавсифланадиган халқаро-ҳуқуқий тамойиллар ва меъёрлар мажмуини ўз ичига олади.

2. “Халқаро ахборот ҳуқуқи” қуйидаги сифатларни ўз ичига олади: 1) халқаро-ҳуқуқий муносабатларнинг муайян гуруҳини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ тармоғи; 2) диққат-эътиборни халқаро ахборот ҳуқуқини ўрганишга жамловчи халқаро ҳуқуқ соҳаси; 3) халқаро ахборот ҳуқуқи ўқитилиши билан боғлиқ ўқув фани.

3. Халқаро ахборот ҳуқуқи шаклланишининг асосий методологияси замонавий халқаро ҳуқуқ доктринаси, ахборот соҳасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлиги, халқаро ҳуқуқнинг асосий меъёрлари ва тамойиллари, шу жумладан халқаро ахборот алмашуви эркинлигини таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий тамойилидан иборат.

4. Халқаро ахборот ҳуқуқини шакллантирувчи предметни ҳуқуқий тартибга солиниши лозим бўлган қуйидаги муносабатлар гуруҳларига тақсимлаш мумкин: инсон ахборот ҳуқуқлари ва эркинларини, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатларини амалга ошириш; ахборот-коммуникация инфратузилмасини глобал ахборот тармоқлари билан бевосита ўзаро боғлиқ ҳолда такомиллаштириш; ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, ахборот маҳсулотлари, воситалари ва хизматлари бозорини ривожлантириш; миллий, минтақавий ва глобал миқёсларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш; Интернет тармоғини ва ушбу сегментдаги ҳуқуқий муносабатларни халқаро-ҳуқуқий регламентлаш; Ернинг сунъий йўлдошидан ахборот мақсадларида фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни тартибга солиш. Ушбу барча муносабатлар гуруҳлари халқаро ахборот ҳуқуқини тартибга солиш соҳасини ташкил этади.

5. Халқаро ахборот ҳуқуқида ҳуқуқий тартибга солиш усули дейилганда, халқаро ахборот ҳуқуқининг халқаро ахборот муносабатларига таъсир кўрсатиш усуллари тушунилади. Халқаро ахборот ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти қисман шундан иборатки, мазкур халқаро ҳуқуқ тармоғи ҳам оммавий-ҳуқуқий, ҳам хусусий-ҳуқуқий муносабатларни қатъий белгилайди, шу туфайли халқаро ахборот ҳуқуқи ҳам оммавий, ҳам хусусий ҳуқуқий тармоқларда қўлланадиган усуллардан фойдаланади.

6. Ахборот соҳасида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат: ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш тамойили; ахборотнинг айланиш имконияти тамойили; ахборот объекти тамойили (ахборот хабарлари); ахборотнинг тарқалувчанлик тамойили; ташкилий шакл тамойили.

7. Халқаро ахборот ҳуқуқининг ривожланиши кўп жиҳатдан унинг манбалари тизимида халқаро шартномалар эгаллаб турган ўринга боғлиқ. Халқаро шартномаларда замонавий халқаро муносабатларда ахборот технологиялари тараққиётини акс эттирувчи ахборот стандартларига кўпроқ диққат-эътибор қаратилиши керак.

